

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИАЛОҚА,  
АХБОРОТЛАШТИРИШВАТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ДАВЛАТҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕНТАХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИУНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимоягарухсат

Кафедрамудири \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й

“Бакалавр дипломинининг электрон иловасини шакллантирувчи тизим  
дастурини ишлаб чиқиш” мавзусидаги

**Бакалаврнинг битирув малакавийиши**

Битирувчи \_\_\_\_\_  
(Имзо)

Ганиев А.О.  
(ф. и. ш.)

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(Имзо) (ф. и. ш.)

Рахмонова М.Р.

Тақризчи \_\_\_\_\_  
(Имзо) (ф. и. ш.)

Агзамходжаев Дж.Х.

ХФХбўйича  
маслаҳатчи \_\_\_\_\_  
(Имзо) (ф. и. ш.)

Борисова Е.А.

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИАЛОҚА,  
АХБОРОТЛАШТИРИШВАТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯТЕХНОЛОГИЯЛ  
АРИДАВЛАТҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕНТАХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИУНИВЕРСИТЕТИ**

Факултет: Дастурийинжиниринг

Кафедра: Ахбороттехнологияларинингдастурийтаъминоти

Йўналиш (мутахассислик): 5521900 –

“Информатикаваахбороттехнологиялари”

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Каф.мулдир \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014й.

Ғаниев Асилбек Ойбекўғли

битирувмалакавийишига

**ТОПШИРИҚ**

1. ИшмавзусиБакалавр дипломининг электрон иловасини шакллантирувчи тизим дастурини ишлаб чиқиш
  2. 25.02.2014 йил 154-16-сонлибуйруқбилантасдиқланган
  - 3.Ишниҳимоягатопширишмуддати: 02.06.2014.
  - 4.Ишгаоиддастлабкимаълумотлар: C++  
Builderдастурлаштирилибўйичаназариймаълумотлар,ўқувқўлланмалар.
  5. Хисоблаш-тушунтиришёзувларинингмазмуни  
(ишлабчиқиладиганмасалаларрўйхати): Кириш. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастур. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастур.Ҳаётфаолиятиҳавфсизлиги. Хулоса. Илова.
  6. Графикматериалларрўйхати: презентацияматериаллари.
  7. Топшириқберилгансана: 26.02.2014 йил
- Рахбар: \_\_\_\_\_ Топшириқниолдим \_\_\_\_\_

### 8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Бўлим	Рахбарнинг ф. и. ш	Имзо, сана	
		Топшириқ берди м	Топшириқ олди м
Асосий қисм  Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги	Рахмонова М. Р.  Борисова Е.А.	26.03.2014	

### 9. Ишни бажариш графиги

№	Иш бўлимининг номи	Бажариш муддати	Бажарилиши тўғрисида раҳбар тасдиқи (имзо)
1	Кириш	02.02.-	
2	Бакалавр дипломининг иловасини шакллантириш ва фойдаланилган	12.02.2014 13.02.- 15.03.2014	
3	дастурий воситалар Бакалавр дипломининг иловасини	16.03.-	
4	шакллантирувчи дастур	16.04.2014	
5	Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги		
6	злиги		
7	Хулоса Адабиётлар Илова	16.04.- 18.05.2014 18.05.- 30.05.2014 01.06.- 02.06.2014	

		01.06.- 02.06.2014	
--	--	-----------------------	--

Битирувчи \_\_\_\_\_ «02» 06.2014йил  
(имзо)

Рахбар \_\_\_\_\_ «02» 06.2014йил  
(имзо)

Ушбу битирув малакавий ишида Олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг бериладиган бакалавр дипломига иловани электрон вариантыни тез ва кулай қилиб шакллантириб берувчи дастур кўриб чиқилган. Дастур С++ Builder дастур тилида бажарилган.

Данной выпускной квалификационной работе рассмотрено программа, которая формирует быстро и удобный электронный вариант приложения бакалаврской диплому дающий студентам закончившийся Высший образовательный учреждения.  
Программаразработана языке программирование С++ Builder.

This final qualify work considers program that creates fast and convenient electronic version of the application bachelor diploma gives students ended higher educational institutions. The program was developed in the programming language C + + Builder.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>6</b>
<b>1. БАКАЛАВР ДИПЛОМИНИНГ ИЛОВАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФЙДАЛАНИЛГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР.....</b>	<b>9</b>
1.1. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантириш.....	9
1.2. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастурлар тахлили.....	19
1.3. С++ Builder дастурлаш тили.....	30
1.4. Масаланинг кўйилиши.....	39
<b>2. БАКАЛАВР ДИПЛОМИНИНГ ИЛОВАСИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>40</b>
2.1. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастур тузилмаси ва яратилиш босқичлари.....	40
2.2. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастурдан фойдаланиш йўриқномаси.....	43
<b>3. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ.....</b>	<b>50</b>
3.1. Ишловчиларнинг ҳаёт фаолияти ҳавфсизлигига доир ҳуқуқларини руёбга чиқаришдаги кафолатлари.....	50
3.2. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати.....	52
3.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузганлик учун жавобгарлик.....	55
3.4. Фуқароларни химоя иншоотларида муҳофаза қилиш.....	56
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>62</b>
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>63</b>
<b>ИЛОВА</b>	

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730 сонли қарори, 2012 йил 1 февралдаги “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари Республикамизда ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётида, бу соҳадаги амалий-илмий ва фундаментал тадқиқотларини ривожлантиришда яна бир муҳим босқич бўлиб қолади. Президентимиз И.А.Каримов XXI асрни маънавий-маърифат асри, илм-фан маданият ва ахборот асри деб таърифлар экан, бу билан ҳозирги даврнинг муҳим белгиси ва хусусиятини ҳам белгилаб берганини пайқаб олиш қийин эмас.

Бугунги кунда ахборот технологиялари кириб бормаган бирор бир соҳани кўрсатиб ўтиш жуда мушкул. Айни вақтда илм-фан, техника тараққиётини инновацион технологиялар, мультимедияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда ушбу технологияларнинг таълим тизимига кириб келиши сезиларли ютуқларни вужудга келтирди. Бу эса ўз-ўзидан ҳам маънавий, ҳам моддий ютуқларга асос бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Бутун жаҳон инқирози ва унинг таъсирларини Ўзбекистонда бартараф этиш” номли дастурида таъкидланганидек, ҳаётимизнинг ҳар бир нуқтаси, жумладан таълим тизими ҳам ислоҳ қилиниб, билимли, етук кадрлар етиштириш кўзда титулган.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг битирув малакавий ишлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 217 – рақамли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Муваққат Низом” ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил

31 декабрдаги 362 – рақамли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом” асосида тартиб – қоидаларга биноан амалга оширилади.

Давлат Аттестация комиссияси институтнинг илмий-педагогик таркибидан, ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича мутахассисларга талабгор корхоналардан таклиф қилинган малакали мутахассислардан, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси тизимидаги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тегишли муассасаси, корхона ва ташкилотлардан таниқли олимлар ва мутахассислардан ташкил этилади.

Бакалавр даражасини олиш учун университет битирувчиси томонидан тайёрланган битирув малакавий иш (БМИ), ўқув-тадқиқот характеридаги якуний иш ҳисобланган мазкур иш йўналиш бўйича талабанинг назарий билимларини кенгайтириш ва мустақамлаш ҳамда амалий билимларини чуқурлаштириш учун мўлжаллангандир. Шу билан бир қаторда талабанинг ўқиш даврида ҳосил бўлган ва шаклланган касбий фикрлаши, ўқув ва назарий билим кўникмаларини ифодалайди. Аниқ илмий муаммолари бўйича масалани қўйишда ва уни ечишда ҳамда илмий адабиётларни танқидий таҳлил этишда ва иш натижаларини ижодий мулоҳаза қилишини белгилайди.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) – олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, битирув малакавий иш мақсади аниқланди. Битирув малакавий иши мақсади – Бакалавр дипломинининг электрон иловасини шакллантирувчи тизим дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- Ишга керакли маълумотларни йиғиш;

- Бакалавр дипломинининг электрон иловасини ўрганиш;
- C++ Builder дастурлаш тилини ўрганиш;
- Бакалавр дипломинининг электрон иловасини шакллантирувчи тизим дастур тузилмасини ишлаб чиқиш;

- Бакалавр дипломинининг электрон иловасини шакллантирувчи тизим дастурини ишлаб чиқиш.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Кириш қисмида мавзу долзарблиги, битирув малакавий иши мақсади ва вазифалари, ҳамда битирув малакавий ишининг тузилмаси келтирилган.

Биринчи бобда бакалавр дипломининг иловасини шакллантириш ва фойдаланилган дастурий воситалари берилган.

Иккинчи бобда бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастур келтирилган.

Учинчи боб ҳаёт фаолияти хавфсизлигига бағишланган.

Хулосада олинган асосий натижалар келтирилган.

Фойдаланилган адабиётларда битирув малакавий ишини бажариш давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Иловада ахборот тизимининг листинглари келтирилган.

# **1. БАКАЛАВР ДИПЛОМИНИНГ ИЛОВАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИЛГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР**

## **1.1. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантириш**

Бакалавр дипломининг муқоваси томонлари 111x151 мм ўлчовда яхлит қопланган тўқ ҳаворанг бумвинилдан тайёрланган кўринишга эга. Унинг юз томонида босма нақш усулида олтин рангдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида BAKALAVR DIPLOMI сўзлари ёзилган.

Дипломнинг ички қисми қалин оқ қоғозда офсет босма усулида беш хил : матн қисми учун – қора, оч сариқ ранг, ҳаворанг – тасвирий элементлар – учун яшил ва қизил рангда босилади.

Саҳифа марказининг оқ қисмига томонлари 55 мм дан 45 даражали бурчак қиялигида айланаси 60 мм диаметрга эга бўлган квадрат туширилиши туфайли ўзича бир фигура кўринишидаги ҳаворанг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч сариқ рангдаги фондан иборат. Фон устига 3 мм энликда ҳаворанг ҳошия туширилган, ҳошия саҳифанинг марказини тўртта – саҳифанинг юқори қисмида учта ва унинг пастки қисмида битта, саккиз қиррали юлдузлар кўринишида миллий нақш ясаб ўрайди. Юлдузлар томонлари 23 ммдан иборат бўлган квадратлар туширилиши орқали ташкил этилган. Ҳошия ҳам нақшли растр шаклда ташкил қилинган. Учта (саҳифанинг юқори қисмидаги иккита ва пастки қисмида битта) юлдузнинг ҳар бирининг ичида кичикроқ ўлчамда:

— нақшли растр билан яшил рангли бўёқда туширилган, ҳошияси 4 мм (квадрат ўлчови 14 мм) энликда ташкил топган юлдуз;

— нақшли растр билан қизил рангли бўёқда туширилган, ҳошияси 1 мм (квадрат ўлчови 5 мм) энликда ташкил топган юлдуз. Саккиз қиррали юлдузнинг ичига қизил рангли бўёқда туширилган ярим ой ва беш қиррали юлдуз тасвири жойлаштирилади.

Имтиёзли дипломлар учун «OZBEKISTON RESPUBLIKASI BAKALAVR DIPLOMI» ва «REPUBLIK OF UZBEKISTAN BACHELOR'S DIPLOMA» сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида «IMTIYOZLI» ва инглиз тилида «WITH HONOURS» сўзлари ёзилган.

Дипломнинг иккала саҳифасига В лотин ҳарфи ва олти хонадан иборат бўлган рақам муҳрланади (босилади).

Диплом 7 даражали ҳимояга эга:

- 1) икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори усул;
- 2) машинада нусха кўчиришни қийинлаштирадиган нимтатир бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларидан фойдаланиш;
- 4) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларини тушириш натижасида янги ранг ҳосил қилиш;
- 5) махсус қоғоз ишлатиш;
- 6) Давлат Гербини оч ҳаворанг бўёқда тасвирлаш;
- 7) олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш.

1.1-жадвал

<b>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI</b>
<b>BAKALAVR</b>
<b>DIPLOMI</b>
<b>B № 000000</b>
_____
(ta'lim muassasasi)
_____
<b>Davlat attestatsiya komissiyasining</b>
<b>20__ yil _____dagi</b>
<b>qaroriga binoan</b>
_____

(bittiruvchining ismi, familiyasi, otasining ismi)

\_\_\_\_\_ga

(yo'nalish nomi)

**BAKALAVR  
darajasi berildi**

Davlat attestatsiyasi  
komissiyasi raisi  
Rektor

**M.O'.**

Ro'yhatga olish raqami \_\_\_\_\_

(tartib raqami)

(shahar nomi va sana)

**REPABLIK OF UZBEKISTAN  
BACHELOR'S  
DIPLOMA**

**B № 000000**

\_\_\_\_\_  
(The Educational institution)

\_\_\_\_\_  
**In accordance with decision of  
the State Attestation Commission  
of \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_**

\_\_\_\_\_  
(graduate's surname, name, first name)

\_\_\_\_\_  
(in the speciality)

**is awarded Bachelor's degree**

Chairman of State Attestation Commission

Rektor:

**P.S.**

Regd № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(name of city, date)

1.2-жадвал

(oliy ta'lim muassasasi)

**BAKALAVR DIPLOMIGA ILOVA**

(reyting daftarchasidan ko'chirma)

Familiyasi \_\_\_\_\_

Ismi \_\_\_\_\_

Otasining ismi \_\_\_\_\_

O'qishga kirgan yili \_\_\_\_\_

O'qishni tugatgan yili \_\_\_\_\_

Yo'nalish: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Diplomni ro'yhatga olish raqami № \_\_\_\_\_

**Ushbu ilova diplomsiz kuchga ega emas.**

**O'qish davomida quyidagi fanlar o'zlashtirildi:**

<b>№</b>	<b>O'quv rejasiga muvofiq' fanlar nomi</b>	<b>O'quv rejasida belgilangan</b>	<b>To'plangan ballar miqdori - reyting</b>
----------	--	---	--

		<b>soatlar miqdori maksimal ball</b>	
<b>1.</b>			
<b>2.</b>			
<b>3.</b>			
<b>4.</b>			
<b>5.</b>			
<b>6.</b>			
<b>7.</b>			
<b>8.</b>			
<b>9.</b>			
<b>10.</b>			
<b>11.</b>			
<b>12.</b>			
<b>13.</b>			
<b>14.</b>			
<b>15.</b>			
<b>16.</b>			
<b>17.</b>			
<b>18.</b>			
<b>19.</b>			
<b>20.</b>			
<b>21.</b>			
<b>22.</b>			
<b>23.</b>			



6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
11.			
12.			
13.			
14.			
15.			
	<b>Kurs ishlari:</b>		
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
	<b>Amaliyot:</b>		
1.			
2			
3			
4			
	<b>Yakuniy Davlat attestasiyasi</b>		
1			
2			
3			

<b>4</b>			
<b>Malakaviy bitiruv ishi (loyiha)ning mavzni va reyting bali:</b>			
_____			
_____			
<b>Bitiruvchining umumiy reytingi:</b> _____			
	Rektor:	_____	
M.O'.	Dekan:	_____	
	Kotib:	_____	
Toshkent shahri			
« _____ » _____ 20		у	

Ушбу кўрсатилган хужжатларни олиш учун Давлат аттестация комиссияси имтихонларидан ўтиш лозимдир.

Давлат Аттестация комиссияси институтнинг илмий-педагогик таркибидан, ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича мутахассисларга талабгор корхоналардан таклиф қилинган малакали мутахассислардан, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси тизимидаги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тегишли муассасаси, корхона ва ташкилотлардан таниқли олимлар ва мутахассислардан ташкил этилади.

Бакалавр даражасини олиш учун университет битирувчиси томонидан тайёрланган битирув малакавий иш, ўқув-тадқиқот характеридаги якуний иш ҳисобланган мазкур иш йўналиш бўйича талабанинг назарий билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда амалий билимларини чуқурлаштириш учун мўлжаллангандир. Шу билан бир қаторда талабанинг ўқиш даврида ҳосил бўлган ва шаклланган касбий фикрлаши, ўқув ва назарий билим кўникмаларини ифодалайди. Аниқ илмий муаммолари бўйича масалани

қўйишда ва уни ечишда ҳамда илмий адабиётларни танқидий таҳлил этишда ва иш натижаларини ижодий мулоҳаза қилишини белгилайди.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) – олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Малакавий ишни бажариш мақсади қуйидагилардан иборат:

- таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустақамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;
- ижодий ишланиш, ишлаб чиқиладиган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис этишга ўргатиш;
- замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлаш.

Иш натижаси ёки бу тадқиқот услубий бўйича олинган оригинал илмий натижалар, тажриба қурилмаларини ва ҳ.к. ифодалайди.

Битирув малакавий иши мавзулари кафедра томонидан таклиф этилади (берилади). Талабалар мавзуларни танлаб олишга ҳақлари бор. Талабанинг ўзи ҳам мавзу таклиф этиши мумкин. Бу ҳолда масалани қўйилиши, уни долзарблиги ва зарурлигини асослаши лозим. Мавзулар ишлаб чиқариш амалиёти мавзулари ёки курс ишларини давоми бўлиши мумкин.

Мавзу кафедра томонидан тасдиқланади, сўнгра деканат бўйича тақдимотга асосан университет ректори томонидан ишнинг мавзуси ва илмий раҳбар тасдиқланади.


Битирув малакавий иши ўқув режасида кўрсатилган муддатда бажарилади.

Ўқув режани ўз вақтида бажарган талабаларга битирув малакавий иши бажаришга рухсат этилади.


## 1.2. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастурлар

### ТАХЛИЛИ


Бакалавр дипломининг иловасини шакллантириш учун турли Microsoft Office дастурларидан фойдаланиб уни тайёр холатга келтириш мумкин. Кузатувларга кўра кўпчилик Microsoft Word дастурида бакалавр дипломининг иловасини шаклини тайёрлаб олади ва унга талабанинг олган балларини калькулятордан фойдаланиб ҳисоблаб ёзиб чиқади.



1.1-расм. Microsoft Word дастурида бакалавр дипломининг иловасини шакли: 1-2-бетлари



1.2-расм. Microsoft Word дастурида бакалавр дипломининг иловасини шакли: 3-4-бетлари



1.3-расм. Microsoft Word дастурида бакалавр дипломининг иловасини шакли: 5-бети

Барча ҳисоб китоблар қўлда қилинади. Агар бирорта жойида ўзгариш бўлса, масалан, бирорта фан ўқув соати нотўғри кетган бўлса, у ҳолда қайтадан ҳисоб китобларни олиб боришга тўғри келади.

Шунингдек, бакалавр дипломининг иловасини шакллантириш учун Microsoft Excel дастуридан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу фойдаланувчига анча қулайликлар келтириб чиқаради. Чунки унда баъзи катакларга керакли ҳисоб китоб формуласи ёзиб қўйилса, бирорта фан балли ўзгариб қолса ҳам, формула бўйича янги қиймат келиб чиқади.

	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N
1		Ganiyev A.O.	2010											
2		Asosiy fanlar		i	ii	iii	iv	v	vi	vii	viii			
3	1	O'zbekiston tarixi	116	72								72,00	84	
4	2	Huquqshunoslik. O'zb. R.Konstitut.	116		75							75,00	87	
5	3	Falsafa (Mantiq, etika,estetika)	148			63						63,00	93	
6	4	Manaviyat asoslari. Dinshunoslik	92				74					74,00	68	
7	5	Madaniyatshunoslik	56				62					62,00	35	
8	6	Iqtisodiyot nazariyasi	116					75				75,00	87	
9	7	Sotsiologiya	56						75			75,00	42	
10	8	Pedagogika. Psixologiya	120							71		71,00	85	
11	9	Milliy g'oyasi; as.tush. va tamoyil	60								86	86,00	52	
12	10	Siyosat.Dem.jam.qur.nazar. va amal.	112								71	71,00	80	
13	11	Rus tili va o'zbek tili	116	71								71,00	82	
14	12	Chet (ingliz) tili	404	76	76	79	77	87	88			80,50	325	

1.4-расм. Microsoft Excel дастури ёрдамида бакалавр дипломига иловани шакллантириш

L устунга қуйилган формула =СУММ(D3:K3)

Агар бирорта фан бир нечта семестрда давом этадиган бўлса, у ҳолда сумма семестрлар сонига бўлиниб, ўртача балл олинади. Масалан чет тили фани олтига семестрда бўлади, шунинг учун формула =СУММ(D14:K14)/6 бўлади.

M устунга қуйилган формула =C3\*L3/100

Фаннинг ўқув режадаги соати талабанинг тўплаган баллига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва талабанинг рейтинг бали ҳосил қилинади.

	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N
49	48	Geopolitika	36								87	87,00	31	
50													4797	
51		Jami:	7045										68	
52														
53		ko'shimcha fan												
54		Soliq va soliqqa tortish	72				71					71,00	51	
55	47	Telekommunik tizim. va tarmoqlari	170						72			72,00	122	
56	44	Web- dasturlash	172						71			71,00	122	
57		kurs ishlari												
58		Informatika va axborot texnologiyalari	35	72								72,00	25	
59		Tizimli dastur ta' minoti	36	66								66,00	24	
60		Hisoblash tizim axborot asoslari	34	56								56,00	19	
61		Tizimi taxil asoslari	100	78								78,00	78	
62		Ob'ektga yo'naltirilgan dastur. tillari	100	80								80,00	80	

1.4-расм. Microsoft Excel дастури ёрдамида бакалавр дипломига иловани шакллантириш(давоми)

Асосий фанларнинг жами йиғиндиси ва талабанинг асосий фанлардан йиғган жами рейтинг баллари мос равишда қуйидаги формулалар бўйича бўлади: =СУММ(С3:С49) ва =СУММ(М3:М49)

Шунингдек, қўшимча фанлар, курс ишлари, амалиёт ва Давлат аттестацияси имтихонлари баллари жамланади ва талабанинг 4 курс давомида тўплаган балли топилади.

	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N
62		Ob'ektga yo'naltirilgan dastur tillari	100	80								80,00	80	
63														
64		Amaliyot												
65		O'quv	144	0								0,00	0	
66		Ishlab chiqarish	100	86								86,00	86	
67		Bitiruv malakaviy ishi oldi	100									0,00	0	
68														
69		Yakuniy Davlat attestatsiyasi												
70		Chet tili ( ingliz)	100	71								71,00	71	
71		O'zbekiston tarixi	100	71								71,00	71	
72														
73		BMI ximoyasi	100									0,00	0	
74														
75		Jami	8408										5405	

### 1.5-расм. Microsoft Excel дастури ёрдамида бакалавр дипломига иловани шакллантириш(давони)

Ишнинг химояси деканат томонидан тасдиқланган муддатда бўлиб ўтади. Талабанинг бунгача қачон, қайси муддат химояси аниқланган бўлиши керак.

Химоя очик бўлиб, унга Давлат аттестация комиссияси аъзоларидан ташқари барча хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Химояга талабанинг раҳбари ва рецензенти ҳамда юқори курс талабалари ва профессор-ўқитувчилар таклиф этиладилар.

Давлат аттестация комиссиясининг мажлиси мазкур мажлисда химоя қиладиган талабалар рўйхатини эълон қилишдан бошланади. Давлат аттестация комиссияси раиси химоя бўйича мажлис ишини регламентини ўрнатишдан бошлайди, кейин навбат бўйича талабалар химояга таклиф этиладилар. Химоя қиладиган талабанинг фамилияси, исми-шарифи ва унинг ишининг мавзуси, раҳбарининг исми-шарифи ва унинг мансаби ўқиб эшиттирилади.

Талабага унинг ишини асосий маъносини айтиб бериш учун 10-15 минут вақт берилади. Талабанинг хоҳиши ва Давлат аттестация комиссияси рухсати бўйича у чет тилида ҳам ҳимоя қилиш мумкин.

Ҳимоя учун тайёрланган барча материаллар аниқ бир ўлчамда уни тушуниш учун қулай шаклда аниқ ва равшан кўринишда тайёрланган бўлиши керак. Графиклар, жадваллар, схемалар слайд эҳтиёткорлик билан тайёрланган бўлиши лозим.

Ишнинг маъноси айтиб бўлингандан сўнг Давлат аттестация комиссияси аъзоларидан ташқари мажлисда барча қатнашувчилар талабага савол беришлари мумкин. Савол-жавоб тугагандан сўнг талабанинг илмий раҳбарига сўз берилади (агар у қатнашаётган бўлса).

Агар раҳбар қатнашмаётган бўлса, у ҳолда унинг тақризи Давлат аттестация комиссияси раиси ёки илмий котиби томонидан ўқиб эшиттирилади.

Сўнгра рецензентга сўз берилади. Агар у қатнашмаётган бўлса, унда уни тақризи юқорида кўрсатилган тартибда ўқиб эшиттирилади.

Кейин эса сўз рецензент томонидан кўрсатилган ишнинг камчиликлари бўйича фикрларига жавоб беради.

Бундан кейин Давлат аттестация комиссияси раиси унинг аъзолари (ва рецензентдан) талабанинг жавобини қониқарли эканлигини аниқлаштиради ва иш бўйича қатнашчилар фикрларини билдиришларини сўрайди.

Давлат аттестация комиссияси котиби мажлис вақида баённома ёзиб боради, унда мажлис қачон бошланди, қачон ҳимоя тугади, қандай саволлар берилди ва ҳ.к. акс эттирилган бўлиши керак.

Барча талабалар ҳимоя қилиб бўлганларидан сўнг Давлат аттестация комиссияси ҳимоя қилинган ишларни баҳолаш уларга бакалаврлик даражаси ва дипломлар бериш бўйича мазкур ёпиқ мажлисда аниқлайди. Баҳолашда талабанинг назорат ва амалий тайёргарлик даражаси, ишнинг сифати ва уни расмийлаштирилиши ҳамда қандай ҳимоя қилганлиги ҳисобга олинади.

Ёпиқ мажлисда Давлат аттестация комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг ҳимоя қилинган талабаларга бакалавр даражасини олишлари учун 100 балли тизимда баҳосини кўяди. Фикрлашиб бўлингандан сўнг охири баҳо қўйилади. Керак бўлса овозга қўйишнинг очиқ усули қўлланиши ҳам мумкин.

Мазкур мажлисда энг яхши ишлар бўйича Давлат аттестация комиссияси ўзини қарорини қабул қилади. Бу қарор яхши ишларни илмий нашрларга чоп этишга, ишлаб чиқаришга татбиқ этишга, конкурсларда қатнашишларга тавсия ёки магистратура ёки аспирантурага йўлланмалар беришдан иборат бўлади.

Агар ҳимоя қилинган иш комиссия томонидан қониқарсиз баҳо олган бўлса, ишни қайта ишлаб талаба ҳимоя қила олиши комиссия томонидан янги мавзу олиб уни белгиланган муддатда ҳимоя қилиш эса кафедра томонидан аниқланади.

Ҳимоя қила олмаган талаба университетни тугатгандан сўнг 3 йил вақт оралиғида ҳимоя қилиши мумкин.

Мажлис тугагандан сўнг Давлат аттестация комиссияси котиби баённомаларда рейтинг дафтарчасида талабалар баҳоларини расмийлаштиради, керакли йўналиш ёки мутахассислик бўйича диплом берилиши рейтинг дафтарчага ёзади. Баённома ва рейтинг дафтарчаларига барча комиссия аъзолари имзо қўядилар.

Расмийлаштириш ишлари тугагандан сўнг аудиторияга ҳимоя қилган талабалар ва барча қатнашчилар таклиф этиладилар. Давлат аттестация комиссияси раиси ҳимоя қилагнларни баҳоларини ўқиб эшиттиради ва мазкур мутахассислик ёки йўналиш бўйича академик даража берилиши бўйича комиссия қарорини эълон қилади.

Ишни муваффақиятли ҳимоя қилган талабалар 3 кун вақт оралиғида университетни битирганликлари сабабли университетдан четлаштириладилар.

Диплом бериш кейинроқ яъни, уларни расмийлаштириш тугагандан амалга оширилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаш лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмга графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушунтириш қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варақ ҳажмида) қаламда бажарилади ёки техника воситалари орқали экранда кўрсатилади. Архитектура йўналишидаги чизмаларга қўйиладиган талаблар мувофиқ ўқув-услубий бирлашмалар (ассоциациялар) томонидан белгиланади.

Ишнинг ҳар бир нусхаси унинг муаллифи томонидан 2 марта имзоланади: титул варағида ва ишнинг топшириқ бўлимида.

Келтирилган маълумотлар ва чиқарилган хулосаларга шахсан муаллиф жавоб беради.

Ишнинг раҳбари ишни кўриб чиқиб уни маъқуллагандан сўнг унинг титул варағига имзо чекади. Агар иш раҳбарга маъқул бўлмаса, бу тўғрисидаги ўзининг асосланган хулосаси бўйича кафедра мудирига ўзининг тақризи билан ёзма равишда мурожаат қилади.

ДАК га бундан ташқари ишнинг илмий ва амалий аҳамиятини тасдиқловчи бошқа материаллар ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ишга рецензент кафедра томонидан тайинланади ва рецензент одатда бошқа ташкилотдан (Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиси, илмий-тадқиқот институтининг ходими ёки йўналишга мос келадиган фирмалар ва ташкилотлари ишлаб чиқариш конхоналари, бошқарув аппаратининг етакчи мутахассислари) ёки мазкур илмий ўқув юртидаги бошқа кафедраларнинг профессор-ўқитувчиларидан тайинланади.

Ишга рецензия рецензент ишлаётган жойнинг муҳри билан тасдиқланади.

Рецензияда қуйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

- Олинган натижаларни оригналлиги;
- Ишдаги камчиликлар, грамматик хатолар (агар улар мавжуд бўлса), математик (муҳандислик) саводи;
- Ишнинг сифатли ёзилганлиги тайёргарлиги, тушунарли равишда тилда расмийлаштирилиши;
- Битирув малакавий ишлар талабларига жавоб бериши;
- 100 баллик тизимда ишнинг баҳоси (битирув малакавий ишлар учун), (магистрлик диссертацияси учун эса лойиқлиги).

Кафедра мудури томонидан ҳар бир ишнинг титул варағига ҳимояга рухсат берилганлиги санасини кўрсатиб, имзо чекилади.

Талабанинг ишига рухсат берилиши кафедра мажлисида, дастлабки ҳимоядан ўтгандан сўнг рухсат этилади. Дастлабки ҳимояда талаба олинган натижалар тўғрисида ўрнатилган тартибда, ишнинг мақсади ва вазифалари долзарблиги, илмий-амалий аҳамияти ва олинган натижалар бўйича кафедра аъзолари олдида ҳисобот беради.

Сўнгра иш кафедрада муҳокама этилиб, уни ҳимоя қилишга рухсат этилади ва ДАК да чиқишининг режаси бўйича тавсия берилади. Бу мажлисда талабанинг раҳбарини қатнашиши мақсадга мувофиқ.

Агар иш раҳбари ишга норози фикри бўлса, уни асослаган ҳолда тақриз ёзиб кафедра мудирига тақдим этади.

Агар ишга рецензент томонидан қониқарсиз тақриз берилган бўлса, унда ишнинг илмий раҳбари ва рецензент иштирокида кафедра мажлисида кўриб чиқилади ва хулосага келинади.

Талабани ҳимояга рухсат этилмаслик тўғрисидаги кафедра қарори деканат орқали ректор тасдиқига тақдим этилади.

Талабанинг ишини ўз вақтида кўрсатилган муддатда тайёр бўлмаслигига фақат объектив сабабларгина ҳисобга олиш мумкин. Бу сабаблар ҳам ўз вақтида керакли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлиши лозим.


Ҳимояга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Рейтинг дафтарчаси.
2. Рейтинг давтарчасидан кўчирма (кафедра тайёрлайди).
3. Талабанинг ўқув карточкаси(деканат тайёрлайди).
4. Талаба маълумотномаси.
5. Паспорт ксерокопияси.
6. Якуний давлат аттестациси бўйича баённомалар (деканат тайёрлайди).
7. Тўлиқ расмийлаштирилган ва муқоваланган (переплет қилинган) диплом иши(переплет – пружинали, жилд - ҳаворанг)нинг титул варағи раҳбар, рецензент ва битирувчи томонидан имзо қўйилган бўлиши.
8. БМИни бажариш бўйича топшириқ(вазифа) бланкасини тўлдирилгани титул варағидан сўнг тикилади
9. Ташқи ва ички рецензентлар муҳрланган тақриزلари БМИнинг аннотациясидан сўнг ишнинг ичига тикилади.
10. Раҳбар мулоҳазаси(ишни ичига қўйилади).
11. Дастлабки ҳимоя баённомаси.
12. Яратилган дастурий воситалар электрон кўринишда кафедрада белгиланган жавобгар шахсга топширилади.

13. Дастурий восита топширилгашлиги хақида маълумотнома.
14. Электрон кўринишдаги презентация.
15. Презентацияга мос келувчи материалнинг чоп қилинган нусхаси

### 1.3. C++ Builder дастурлаш тили

C++ Builder муҳити монитор экранида бир вақтнинг ўзида очилган бир канча ойналар шаклида визуал амалга оширилади. Ойналарнинг сони, жойлашуви, ўлчами ва тури дастурчи томонидан жорий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилади ва ишнинг самарадорлигини оширади. C++ Builder ни юборишда сиз экранда 1.6-расмда кўрсатилган расмни кўришингиз мумкин.



1.6-расм. 1-бош ойна; 2-асосий меню; 3-асосий меню программалар; 4-объектлар инспекторининг ойнаси; 5-дастур матнининг ойнаси; 6-бўш шакл ойнаси; 7-компьютер менюси.

*Бош ойна* экранда доимий туради ва дастурни яратиш жараёнини бошқариш учун фойдаланилади. Асосий меню лойихани бошқариш учун барча керакли воситалардан иборат.

Пиктограммаларасосий менюнинг тез қўлланиладиган командалрига киришни осонлаштиради. Компонентлар менюси орқали C++ Builder мухитининг стандарт сервис дастури тўплашига кириш амалга оширилади; улар дастурчи томонидан шакл ойнасига жойлаштирилган баъзи бир везуал унсурини (компонентнинг) тасвирлайди. Хар бир компонент муайян хоссаларга тўпламига эга. Масалан, ранг, ойна сарлавхаси, тугмачадаги ёзув, шрифт ўлчами ва тури ва хоказо.

*Объектлар инспекторининг ойнаси* танланган компонентлар хоссаларни ўзгартиришига мўлжалланган ва иккита варақдан иборат. Properties варағи компонентнинг зарур хоссаларини ўзгартиришга мўлжалланган, Events варағи компонентнинг у ёки бу воқеага бўлган сезгирлигини аниқлаш учун.

*Шакл ойнаси*- дастурнинг Windows –ойна лойихаси ҳисобланади. Бу ойнага дастурнинг ёзиш жараёнида зарур бўлган компонентлар жойлаштирилади. Дастурни бажаришда жойлаштирилган компонентлар лойихалаштириш босқичдаги кўринишга эга бўлади.

*Матн ойнаси*- дастур матнини томоша қилишга, ёзишга ва тахрир қилишга мўлжалланган. C++ Builder тизимида Object Pascal фойдаланилади. Дастлабки очилаётган дастур матн ойнасида операторларнинг минимал тўпламидан иборат матн жойлашади, у бўш шаклнинг Windows –ойна сифатида нормал ишлаш учун керак. Баъзи бир компонентни шакл ойнасига жойлаштиришда дастур матни ишида зарур бўлган стандарт дастурларнинг кутубхоналари ва ўзгарувчилар турлари тасвирлари билан автоматик тўлдирилади.

C++ Builder мухитидаги дастур алгоритмларни тасвирлаш сифатида тузилади ва уларни бажариш лозим, агар шаклга боғлиқ муайян воқеа пайдо бўлса.

Шаклда ишлаб чиқиладиган хар бир воқеа учун дастур матнида Events инспектор варағи ёрдамида процедура ташкиллаштирилади ва дастурчи

begin va end калитли сўзлар ўртасига Object Pascal тилида талаб қилинган алгоритмни ёзади.

Шакл ойнаси ва дастур матни ойнаси ўртасидаги ўтказилиш (переключение) F12 тугмачаси ёрдамида амалга оширилади.

C++ Builderдан дастур лойиха файлдан дастлабки матннинг бир ёки бир нечта файлларидан ва ойна шакллари тасвирланган файллардан иборат.

Лойиха файлида мазкур лойихани тўлдирувчи модуллар ҳақидаги ахборот жойлашган. Лойиха файли C++ Builder муҳити билан автоматик яратилади ва тахрир қилинади ва тахрир қилиниши учун мўлжалланмаган.

Дастлабки матн файли-дастурли модул бўлиб дастурлар матнларини жойлаштиришга мўлжалланган. Бу файлга дастурчи Pascal тилида ёзилган дастур матнини жойлаштирилади.

Эълонлар бўлимида бошқа модуллар томонидан кутубхоналарни кўшиш операторлари орқали фойдалана оладиган турлар, ўзгарувчилар, процедуралар сарлавхалари ва функцияларига таъриф берилади. Амалга ошириш бўлимида эса эълонлар бўлимида тасвирланган процедура ва функция жисмлари жойлашади ва фақат мазкур модул доирасида хизмат қиладиган ўзгарувчилар турлари, процедура ва функциялар жойлашган. Инициализация бўлими камдан кам фойдаланилади ва уни ўтказиб юбориш мумкин. Модуль қуйидаги тузилишга эга:

```
#include <vcl.h>
#pragma hdrstop
#include "Unit1.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm1 *Form1;
//-----
__fastcall TForm1::TForm1(TComponent* Owner) //конструктор TForm1
: TForm(Owner)
```

```
{  
}
```





```
//-----
```

Дастурни компиляциялашда C++ Builder D си кенгайтириш билан файл яратади, унда pas ва dfm кенгайтирилган файллар мазмунининг машина кодлари таржимаси натижалари берилган. Компонентчи dsi ни кенгайтириб файлларни ягона юкланувчи ~df, ~dp, ~pa кенгайган файлларда шакл лойиха ва бошланғич қиёфаси бор файлларнинг резерв нусхалари сақланади.

Вазифа: берилган x,y,z- кийматлар учун арифметик ифода  
Хисоблаб чиқиш дастурини тузиш.

$$U = \operatorname{tg}^2(x+y) - e^{\sqrt{\cos x^2 + \sin z^2}} .$$

Дастурнинг диалог панелини 1.7. расмда кўрсатилган шаклда ташкиллаштириш. C++ Builder


Юқори ўнг бурчакдаги бўш шакл бир нечта бошқарув тугмачаларига эга, улар: шаклни пиктограммага  айланиши, шаклни бутун экранга ёйилишига  ва дастлабки ўлчамга қайтишига  ва шаклни ёпишга мўлжалланган.  ёрдамида шаклнинг бир қирраси ёки сарлавханинг ажралиб турган сатрини “ўраб олиб” шаклнинг керакли ўлчамларини ва унинг экрандаги жойлашишини тўғриланг.

Янги шакл бир хил исм (Name) ва сарлавхага (Caption) –FORM1 га эга. Шаклнинг исмини ўзгартиришни маслахат бермаймиз, чунки у дастурнинг матнига киради.

Сарлавхани ўзгартириш учун объектлар инспектори ойнасини чақиринг ва шаклдаги тугмачасини босинг. Объектлар инспектори шаклида Properties-Caption-ни топинг ва (F11) босинг. Ажралиб турган ойнада “Лаборотория иши № 1. 700102 гуруҳ талабаси А.А.Иванов” ни теринг.

Агарда бир сатрга сиғадиган ахборотни шаклдан дастурга чиқариш ёки ахборотни шаклга чиқариш керак бўлса, унда Tedit компонентни кўрсатилган матнининг бир сатрли муҳаррир ойнаси фойдаланилади.

Мазкур дастурда бир сатрли муҳаррир ёрдамида extended ёки integer турдаги x,y,z ўзгарувчилари киритилади.


Standard компонентлар менюсида пиктограмма  -ни танланг, шаклининг ўзингиз хоҳлаган жойида сичконча тугмасини босинг. Tedit нинг уч компонентини шаклга туширинг. “сичконча тугмаси” орқали уларни ўраб олиб ойналар ўлчамларини ва уларнинг жойлашишини тўғриланг. Дастур матнида учта янги бир хилдаги Edit 1, Edit 2, Edit 3 ўзгарувчилар пайдо бўлганига эътибор беринг. Хар бир ўзгарувчи Text кенгайиши билан символлар сатрига эга ва улар шунга мос Edit ойнасида акс этади.

x,y,z ўзгарувчиларининг сонли қийматлари Edit.1.text ўзгарувчисида жойлашган соннинг сатрли ёзувини ҳақиқийга ўзгартириш учун ҳақиқий турга эга бўлганлиги учун стандарт функция `x := Str Toint (Edit 1. Text)` фойдаланилади.


Агар дастлабки маълумотлар тўлиқ сони турга эга бўлса, масалан integer, унда стандарт функция `x:= StrToint (Edit 1. Text)` фойдаланилади.

Бунда сони ёзганда жой ташлаб кетмаслиги керак, ҳақиқий сон эса ўнли вергул билан ёзилади.

Объектлар инспектори ёрдамида Edit сатрида акс этаётган символларнинг шрифтини ва ўлчамини аниқланг.

1.7 расмдаги шаклда тўртта тушунтирувчи ёзув бор. Бундай ёзувларни шаклга тушуриш учун TLabel компонентидан фойдаланилади. Standart компонентлар менюсида пиктограмма  ни танланг, сичконча тугмасини босинг, Label 1 ёзучи пайдо бўлади. Буни тўртта ёзув учун бажаринг. Хар бир ёзув учун сичконча тугмасини босиб ўлчамни тўғриланг ва объектлар инспектори Caption нинг хусусиятини ўзгартириб сатрини киритинг, масалан “X қийматини киритинг: ” ва символлар ўлчамини танланг.

Дастур матнида автоматик равишда тўртта янги TLabel га ўхшаш ўзгарувчи пайдо бўлганига эътибор беринг. Уларда дастурнинг иш жараёнида ўзгартириш мумкин бўлган тушунтириш сатрлари сақланади.

Дастур ишининг натижалрини чиқариш учун (ТМемо) компоненти билан кўрсатилган матн ойнаси фойдаланилади. Компонентлар менюсида пиктограмма  -ни танланг ва ТМемо компонентини шаклга жойлаштиринг. сичконча тугмаси ёрдамида унинг ўлчамларини ва жойлашишини тўғирланг. Scrool Bars-S SBoth хоссаси инспектори ёрдамида ўрнатилгандан сўнг ойнада айлантурувчининг (прокрутка) вертикал ва горизонтал чизиқлари пайдо бўлади.

Дастур матнида ТМемога ўхшаш Мемо 1 ўзгарувчи пайдо бўлади. ТМемо турдаги ойнада акс этаётган ахборот Мемо 1-> Lines сатрлар массивида жойлашган. Хар бир сатр String турига эга.

Ойнани тозалаш учун Мемо 1->Clear усули фойдаланилади. Ойнага янги сатрни қўшиб қўйиш учун Мемо 1-> Lines. Add усули фойдаланилади.

Агар хақиқий ёки тўлиқ турдаги ўзгарувчида жойлашган сони чиқариш керак бўлса, унда уни олдиндан String турига ўзгартириш керак ва уни Мемо 1. Lines массивига қўшиб қўйиш керак.

Масалан, агар ўзгарувчи  $u=100$  тўлиқ турда бўлса, унда Мемо 1-> Lines. Add усули буни бажаради ва ойнада “ $u=100$  қиймати” сатри пайдо бўлади. Агар ўзгарувчи  $u:=256, 38666$  хақиқий бўлса, унда Мемо 1->Lines-> Add усулидан фойдаланётганда “ $u=256.39$  қиймати” сатри чиқади. Бунда бутун сон учун саккизта позиция берилади, улардан иккитасини унинг касрли қисми эгаллайди.

Агар Мемо 1 массивида сатрлар сони ойна ўлчамидан ошса, унда хама сатрларни кўриб чиқиш учун вертикал чизиғи фойдаланилади. Агар Мемо 1 сатрининг узунлиги ойнадаги сатрлардаги символлар миқдоридан ошса, унда ойнада фақат сатрнинг боши акс этади. Бутун сатрни кўриш учун айлантурувчининг горизонтал чизиғи фойдаланилади.

Дастурни юборишда “шаклни яратиш” воқеаси пайдо бўлади. Бу воқеанинг ишлаб чиқувчиси – дастурни яратамиз, у  $x, y, z$  ўзгарувчиларининг дастлабки қийматлари Tedit нинг керакли ойналарига

жойлаштирилади, TМемо ойнасида эса талабанинг гурух рақами ва фамилияси кўрсатилган сатрни жойлаштиради. Бунинг учун сичконча тугмаси икки марта шаклдаги хоҳлаган бўш жойда босамиз. Экранда автоматик равишда киритилган процедура сарлавхаси, яъни шаклни яратиш воқеасини ишлаб чиқувчи пайдо бўлади: **Prosedura TForm 1. Form Create (Sender: TObject). {... }** орасига дастур матнини ўрнатамиз.


TButton компоненти билан тасвирланувчи тугмачани шаклга жойлаштиринг; бунинг учун Standard компоненти менюсида пиктограмма




-ни танлаймиз. Объектлар инспектори ёрдамида (Caption)-Button 1 сарлавхани “Бажариш” сўзига ёки бошқа хоҳлаган сўзга ўзгартиринг. Тугмачанинг жойлашишини ва ўлчамини тўғирланг.

Бундан сўнг сичкондаги тугмачани икки марта босинг, шунда воқеани ишлаб чиқувчи процедура сарлавхаси билан тўлдирилган дастур матни пайдо бўлади. **(Procedure TForm1.ButtonClick(Sender:TObject);)-** тугмаларни босганда.


Мисолда келтирилган бу процедуранинг матнини теринг.

Дастурни юбориш учун Run бош менюсида Run ни босиш керак ёки F9 тугмачасини ёки пиктограмма  -ни. Бу пайт трансляция содир бўлади ва агар хато бўлмаса дастурнинг компоновкаси ва ехе кенгайтирилган юкланаётган ягона файлнинг яратилиши содир бўлади. Экранда дастурнинг фаол шакли пайдо бўлади. (1.7.расм)



1.7-расм. Дастур ойнаси.

Дастур билан ишлаб куйидагича “бажариш” тугмачасини босинг. Мемо 1 ойнасида натижа пайдо бўлади. Edit ойналаридаги x,y,zдастлабки кийматларини ўзгартиринг ва яна “Бажариш”.

Дастурни яқунлаш учун бош меню Run даги Program Reset ни ёки шаклдаги  тугмачасини босиш керак.

Дастур матни куйидаги кўринишга эга:

```
#include <vcl.h>
#pragma hdrstop
```

```

#include "Tema1.h"
#include "math.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm1 *Form1;
//-----
__fastcall TForm1::TForm1(TComponent* Owner)
    : TForm(Owner)
{
}
//-----
void __fastcall TForm1::FormCreate(TObject *Sender)
{
    Edit1->Text="3.4";
    Edit2->Text="0.74";
    Edit3->Text="19.43";
    Memo1->Clear();
    Memo1->Lines->Add("Лаб. раб. N1. Ст. гр. 740102 ИВАНОВ А.А.");
}
//-----
void __fastcall TForm1::Button1Click(TObject *Sender)
{
    double x,y,z;
    x=StrToFloat(Edit1->Text);
    Memo1->Lines->Add("x="+Edit1->Text);
    y=StrToFloat(Edit2->Text);
    Memo1->Lines->Add("y="+Edit2->Text);
    z=StrToFloat(Edit3->Text);
}

```

```
Memo1->Lines->Add("z="+Edit3->Text);  
double a=pow(tan(x+y),2);  
double b=exp(y-z);  
double c=sqrt(cos(x*x)+sin(z*z));  
double u=a-b*c;  
Memo1->Lines->Add("Результат U = "+FloatToStrF(u,ffFixed,8,3));  
}  
//-----
```

#### **1.4. Масаланинг қўйилиши**


Масаланинг қўйилиши: Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастурини ишлаб чиқиш.

Ушбу дастур Битирув малакавий ишларининг ҳимояси ўтгандан сўнг унинг хужжат талабалар билан ишлаш бўлимига топширилади ва талабанинг дипломи ва бакалавр дипломига илова тайёрланади. Ушбу иловани тайёрлашнинг математик ҳисоб китоблари мавжуд бўлиб, ушбу дастур амалга ошириб беради. Давлат аттестация комиссияси котибасини ишини енгиллаштириб беради. Унинг экран кўринишлари C++ Builder дастурлаш тилида шакллантирилади.

## 2. БАКАЛАВР ДИПЛОМИНИНГ ИЛОВАСИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ДАСТУР

### 2.1. Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастур тузилмаси ва яратилиш босқичлари

Бакалавр дипломининг иловасини шакллантирувчи дастур  
тузилмасиқуйидаги қўринишда:



2.1-расм. Илова тузилмаси

Энди дастурни асосий модуллари билан танишиб чиқилади.

Янги йўналиш киритиш модули:

```
ADOQuery1->SQL->Add("Insert into yonalish(yonalishi)");
```

```
ADOQuery1->SQL->Add("Values (:yonalishi)");
```

```
ADOQuery1->Parameters->ParamByName("yonalishi")->Value=Edit1->Text;
```

```
ADOQuery1->ExecSQL();
```

Танланган йўналишга янги гурух қўшиш модули:

```
ADOQuery1->SQL->Add("Insert into gurux(guruxraqami,yonalish)");
```

```
ADOQuery1->SQL->Add("Values (:guruxraqami,:yonalish)");
```

```

ADOQuery1->Parameters->ParamByName("guruxraqami")->Value =
Edit1->Text;
if(ComboBox1->ItemIndex>=0)
ADOQuery1->Parameters->ParamByName("yonalish")      ->Value
=ComboBox1 -> Items->Strings[ComboBox1->ItemIndex];
ADOQuery1->ExecSQL();
ADOQuery1->Close();
ADOQuery1->SQL->Clear();
ADOQuery1->SQL->Add("select * from gurux");
ADOQuery1->Open();

```

Талабанинг тўплаган балларини ҳисобловчи модулнинг асосий қисми:


```

for(int i=0;i<n;i++)
{   c[i]=0;int k=0;
    for(int j=0;j<m;j++)
    if(s[i]==s3[j]&&1==s2[j])
    {
        c[i]+=b[j];k++;
    }
    if(k!=0)c[i]=c[i]/k;
    ff[i]=a[i]*c[i]/100;
    c[i]=ff[i];
}

```

Маълумотлар базаси Microsoft Access да тузилган.

Маълумотлар базаси 6 та жадвалдан иборат.



2.2-расм. МБнинг жадваллари

Биринчи жадвали баҳолар жадвали:

id	tfio	tgrux	tyonalish	tfani	fanbahosi	choragi	Щелкните для доба
2	Isroilov Adiz	231-12	DIF	falsafa	83	3	
6	Isroilov Adiz	231-12	DIF	diskret matem	91	3	
7	Isroilov Adiz	231-12	KIF	jismoniy tarbiy	89	3	
